

ЎЗБЕКИСТОНДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИНИ УМУМИЙ ВА ЯККА ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШГА ОИД МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Э.Э.Исаев

©Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқоти институти мустақил изланувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18360007>

Аннотация. Ушбу параграфда Ўзбекистонда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг умумий ва якка профилактикасини таъминлашга қаратилган миллий қонунчилик ҳамда институционал механизмларнинг амалдаги ҳолати комплекс илмий-ҳуқуқий таҳлил қилинади. Тадқиқот доирасида амалдаги асосий ва махсус қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмуни тизимли ўрганилиб, уларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги самарадорлиги баҳоланади. Параграфда профилактика соҳасида сақланиб қолаётган атамавий-методологик, идоралараро ҳамкорлик, жамоатчилик назорати, ваколатлар тақсимооти ва маҳалла кесимида барвақт олдини олишга оид олти асосий ҳуқуқий бўшлиқ аниқланади. Ушбу бўшлиқларни бартараф этиш юзасидан қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклифлар миллий ва халқаро ҳуқуқий стандартлар билан қиёсий таҳлил асосида асослаб берилади.

Калит сўзлар: вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари; умумий ва якка профилактика; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси; идоралараро ҳамкорлик; кейс-менежмент; жамоатчилик назорати; Миллий гвардия; ички ишлар органлари; маҳалла; барвақт олдини олиш; хавфсиз муҳит; ҳуқуқий бўшлиқ

АНАЛИЗ СОВРЕМЕННОГО СОСТОЯНИЯ НАЦИОНАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА И ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫХ МЕХАНИЗМОВ ОБЩЕЙ И ИНДИВИДУАЛЬНОЙ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Аннотация. В данном параграфе проводится комплексный научно-правовой анализ действующего национального законодательства и институциональных механизмов, направленных на обеспечение общей и индивидуальной профилактики правонарушений несовершеннолетних в Республике Узбекистан. В рамках исследования системно изучаются базовые и специальные законы, указы и постановления Президента, а также подзаконные нормативно-правовые акты с точки зрения их практической применимости и эффективности. Выявляются шесть ключевых правовых пробелов, связанных с терминологической неопределённостью, недостаточной процессуализацией межведомственного взаимодействия, механизмами общественного контроля и подотчётности, разграничением полномочий государственных органов, а также отсутствием законодательной имплементации механизмов ранней профилактики на уровне махалли. На основе сравнительного анализа национального законодательства и международных стандартов формулируются научно обоснованные предложения по его совершенствованию.

Ключевые слова: правонарушения несовершеннолетних; общая и индивидуальная профилактика; профилактика правонарушений; межведомственное взаимодействие;

кейс-менеджмент; общественный контроль; Национальная гвардия; органы внутренних дел; махалля; ранняя профилактика; безопасная среда; правовой пробел

ANALYSIS OF THE CURRENT STATE OF NATIONAL LEGISLATION AND INSTITUTIONAL MECHANISMS FOR GENERAL AND INDIVIDUAL PREVENTION OF JUVENILE OFFENCES IN UZBEKISTAN

Abstract. This paragraph provides a comprehensive legal analysis of the current national legislation and institutional mechanisms aimed at ensuring general and individual prevention of juvenile offences in Uzbekistan. The study systematically examines core and special laws, presidential decrees and resolutions, as well as subordinate legal acts, assessing their effectiveness in law enforcement practice. The research identifies six key legal gaps related to terminological and methodological inconsistencies, insufficient procedural regulation of inter-agency cooperation, underdeveloped mechanisms of public accountability, unclear distribution of powers between competent authorities, and the lack of legislative integration of early prevention and safe environment models at the community (mahalla) level. Based on a comparative analysis of national legislation and international legal standards, scientifically grounded proposals for improving the legal framework are developed.

Keywords: juvenile offences; general and individual prevention; crime prevention; inter-agency cooperation; case management; public accountability; National Guard; internal affairs bodies; mahalla; early prevention; safe environment; legal gap

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда “инсон қадрли учун” тамойилини ҳаётга татбиқ этиш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиклигини кучайтириш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда ОАВнинг иштирокини кенгайтиришга қаратилган ҳуқуқий-сиёсий ислохотлар вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг умумий ва яқка профилактикаси соҳасида ҳам миллий қонунчилик ва институционал механизмларни қайта кўриб чиқишни объектив заруратга айлантирмоқда. Чунки вояга етмаганлар билан ишлашда профилактика натижадорлиги биринчи навбатда ҳуқуқий тартибга солишнинг аниқлиги, ҳуқуқ нормаларининг бир хил қўлланилиши, идоралараро ҳамкорликнинг меъёрий асосланганлиги ва жамоатчилик назоратининг ишончли механизмлари билан белгиланади.

Шу маънода, 2022 йил 28 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ва унга мувофиқ давлат дастури мазкур диссертация параграфи долзарблигининг концептуал-ҳуқуқий пойдеворини ташкил этади¹. Зеро, Стратегияда белгиланган устувор мақсадлар давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ ва ижтимоий соҳаларда ҳуқуқий тартибга солиш сифатини ошириш орқали инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилади. Айниқса, Стратегиянинг 8-мақсади “Норма ижодкорлиги жараёнини модернизация қилиш, қонунчилик ҳужжатларининг қатъий ижросини таъминлаш”га йўналтирилган бўлиб, у

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ–60-сон. 28.01.2022. — Lex.uz электрон қонунчилик базаси // [LEX.UZ](https://lex.uz)

қонунчиликнинг барқарорлиги ва тизимлилигини таъминлаш, ҳуқуқ нормаларини бир хил қўллаш учун таъсирчан механизмларни ишлаб чиқиш вазифаларини қамраб олади². Бу эса вояга етмаганлар профилактикасига оид нормалардаги парокандалик, терминологик номутаносиблик, ваколатлар такрорланиши ёки “бўшлиқ” ҳолатларини бартараф этиш учун методологик асос яратади.

Норма ижодкорлиги сифати вояга етмаганлар профилактикасидаги ҳуқуқий механизмлар самарадорлигини бевосита белгилайди. Буларга: профилактика субъектларининг ваколатлари аниқ чегараланмаган ёки ўзаро мувофиқлаштирилмаган тақдирда, амалиётда “масъулиятнинг парчаланиши”, маълумот алмашинувининг сустлиги, идоралараро низолар, шунингдек, якка профилактика чораларининг манзиллилиги пасайиши кузатилади. Шу нуктаи назардан, “ҳуқуқий бўшлиқ”ни аниқлаш ва уни бартараф этиш масаласи фақат назарий муаммо эмас, балки вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишга қаратилган миллий тизимнинг амалий барқарорлиги ва прогнозланувчанлигини таъминловчи зарурий шарти сифатида намоён бўлади.

Бунда давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва ҳисобдорлиги ҳам профилактика самарадорлигининг муҳим институционал омилidir. Хусусан, 2022 йил 14 июндаги ПФ–154-сон Фармон билан давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ҳамда уни баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари белгилангани давлат бошқарувида шаффофлик стандартларини кучайтириб, профилактика соҳасида ҳам жамоатчилик назорати ва ҳисобдорлик механизмларини институционал равишда қўллаб-қувватлайди³. Шунингдек, норма ижодкорлиги жараёнининг ҳуқуқий асослари “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамланган бўлиб, ушбу Қонун нормоижодкорлиги жараёни, ҳужжатлар иерархияси ва лойиҳаларга қўйиладиган талаблар орқали тартибга солишнинг сифат мезонларини белгилайди⁴. Айни мезонлар вояга етмаганлар профилактикасига оид қонунчиликни тизимлаштириш, унинг ижро механизмларини “ишлайдиган” шаклда янгилаш ва ҳуқуқни қўллашда яқдил амалиётни қарор топтириш учун таянч вазифасини ўтайди.

Қолаверса, давлатнинг рақамли трансформацияси ва маълумотлар очиқлиги сиёсати профилактика соҳасида далилларга асосланган қарор қабул қилишни кучайтиради. Шунингдек, очиқ маълумотлар инфратузилмаси (жумладан, очиқ маълумотлар портали) ҳуқуқбузарликлар динамикаси, ижтимоий хавф омиллари ва профилактика самарадорлигини баҳолашда таҳлилий имкониятларни кенгайтиради⁵. Бу эса вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг умумий ва якка профилактикасига оид миллий қонунчилик ва институционал механизмларни “амалдаги ҳолати таҳлили”ни

² “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” 8-мақсад (“Норма ижодкорлиги жараёнини модернизация қилиш...”) // Lex.uz.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–154-сон Фармони // Lex.uz.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” (янги тахрир), ЎРҚ–342-сон Қонуни // Lex.uz.

⁵ Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар портали // расмий электрон ресурс // data.egov.uz

фақат норматив таҳлил билан чекламай, эмпирик индикаторлар ҳамда ҳисобдорлик/шаффофлик стандартлари билан боғлиқ ҳолда ёритишга имкон беради.

Шу тариқа, мазкур параграф доирасида миллий қонунчилик ва институционал механизмларнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш норма ижодкорлиги модернизацияси, ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш ва бартараф этиш методологияси, давлат органлари фаолияти очиклиги ҳамда рақамли маълумотлардан фойдаланиш каби ўзаро боғлиқ йўналишларни комплекс ўрганишни талаб этади. Бу ёндашув вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқишга, шунингдек, профилактика субъектлари ўртасидаги функционал ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу ўринда, бугунги кунда вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарали миллий моделини яратиш учун, аввало, унинг назарий пойдеворини таҳлил қилиш лозим. Юридик фанда профилактика тушунчаси ва унинг турлари бўйича турлича илмий ёндашувлар мавжуд. Хусусан, криминология фанининг асосчиларидан бири *Г.А. Аванесов* ўзининг фундаментал тадқиқотларида профилактикани ижтимоий бошқарувнинг ажралмас қисми сифатида баҳолаб, шундай ёзади: “Жиноятчиликнинг олдини олиш – бу жиноятчиликнинг сабабларини ва унга имкон берувчи шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга, шунингдек, жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларга тарбиявий таъсир кўрсатишга қаратилган чора-тадбирлар тизимидир”⁶. Олим профилактикани икки йирик турга ажратади. Булар: умумий ва якка (индивидуал). *Умумий* профилактика жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, маданий ва ҳуқуқий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган бўлса, *якка* профилактика конкрет шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворини коррекция қилишни назарда тутати.

Маҳаллий олимлардан юридик фанлар доктори, профессор *И. Исмаилов* Ўзбекистон шароитида профилактика тизимини тадқиқ қилар экан, унинг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратади. Унинг фикрича, “*Бизнинг минтақамизда профилактика фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси эмас, балки оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг ҳамкорлигига асосланган ижтимоий ҳодисадир*”⁷. Профессор *Қ.Р. Абдурасулова* эса вояга етмаганлар жиноятчилигининг латент (яширин) хусусияти юқори эканлигини таъкидлаб, якка тартибдаги профилактикада эрта аниқлаш (ранняя профилактика) механизмларининг оқсаётганини танқид қилади⁸.

Олимларнинг ушбу назарий қарашларига қўшилган ҳолда, бизнингча, бугунги кунда миллий қонунчиликда *умумий* ва *якка* профилактика ўртасидаги чегараларнинг ноаниқлиги кузатилмоқда. Кўпинча умумий профилактика (маърузалар, йиғилишлар) якка тартибдаги ишнинг ўрнини эгаллаб олмоқда, бу эса “*хавф гуруҳи*”даги ўсмирларнинг эътибордан четда қолишига сабаб бўлмоқда.

⁶ *Аванесов Г.А.* Криминология и социальная профилактика. — М.: Акад. МВД СССР, 1980 й. — С. 185–187.

⁷ *Исмаилов И.* Жиноятчиликнинг олдини олиш муаммолари: Назария ва амалиёт. — Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018 й. — 64-б

⁸ *Абдурасулова Қ.Р.* Вояга етмаганлар жиноятчилиги: муаммо ва ечимлар. — Тошкент: Адолат, 2015. — 45-б.

Халқаро ҳуқуқий стандартлар таҳлили шуни кўрсатадики, БМТнинг “Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича бошқарув тамойиллари” (Ар-Риёд тамойиллари, 1990) ва “Вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишга доир минимал стандарт қоидалари” (Пекин қоидалари, 1985) миллий қонунчилик учун андоза бўлиши керак. Ар-Риёд тамойилларида профилактиканинг “ижобий” (positive prevention) бўлиши, яъни болаларни жазолаш эмас, балки уларнинг ижтимоийлашувига кўмаклашиш зарурлиги ёритилади⁹. Ўзбекистон қонунчилигини ушбу ҳужжатлар билан қиёсий таҳлил қилганимизда, миллий қонунчиликда ҳали ҳануз “*статус ҳуқуқбузарликлари*” (фақат болалар учун тақиқланган ҳаракатлар, масалан, дарсдан қочиш) учун маъмурий-мажбурлов чораларининг кенг қўлланилиши халқаро тавсияларга тўлиқ мос келмаслигини кўрсатмоқда.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, бугунги кунда амалда бўлган Миллий қонунчилик базаси маълумотларига назар ташласак. Хусусан, 2025 йил якунига келиб мамлакатимизда *қонунлар, Олий Мажлис ҳужжатлари, Президент ҳужжатлари, Ҳукумат қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг очиқ меъёрий ҳужжатлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларидан* иборат норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг умумий сони 49 300 га яқинни ташкил этган. Мазкур нормаларнинг умумий таркибида айнан вояга етмаганлар масаласи билан бевосита боғлиқ ҳужжатлар сонининг улуши эса 98 тани ташкил этиб, юқори қайд этилган кўрсаткичнинг тахминан 0,2%ни ташкил этмоқда.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат мазмунини тизимли ва комплекс таҳлил қилиш орқали мамлакатда *умумий* ҳамда *якка* профилактикага оид ҳуқуқий тартибга солиш механизмларида мавжуд камчиликлар ва ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш, нормаларнинг ўзаро уйғунлиги ҳамда уларнинг амалий қўлланиш самарадорлигини баҳолаш имкони вужудга келади. Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келаётган муаммоли ҳолатларни илмий-ҳуқуқий жиҳатдан очиб бериш, амалдаги тартибга солишнинг мазмунан ва функционал жиҳатдан етарли даражада самарали эканлигини асосли таҳлил қилишга хизмат қилади. Ушбу таҳлил натижаларига таянган ҳолда ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришга қаратилган, ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш, қонунчилик нормаларининг изчиллиги ва аниқлигини таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ҳамда институционал амалиётни модернизация қилишга хизмат қилувчи илмий асосланган таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда янги Ўзбекистонда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларини *умумий* ва *якка* профилактика қилишга оид миллий қонунчилик ҳамда институционал механизмларнинг амалдаги ҳолатини холис ва илмий асосда баҳолаш, аввало, мазкур соҳани тартибга солувчи нормаларнинг ҳақиқий “*ишлаш қобилияти*”ни аниқлашни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан, параграфнинг мазмунини тўлиқ очиб бериш доирасида вояга етмаганлар билан бевосита ёки билвосита боғлиқ

⁹ Руководящие принципы Организации Объединенных Наций для предупреждения преступности среди несовершеннолетних (Эр-Риядские руководящие принципы): Приняты резолюцией 45/112 Генеральной Ассамблеи от 14 декабря 1990 года.

бўлган амалдаги 98 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни комплекс илмий таҳлил қилиш зарур ҳисобланади. Бундай ёндашув миллий қонунчилик базасида шаклланган профилактика тизимининг мазмун-моҳиятини, унинг норма ижодкорлиги даражасида қандай қурилганини ва амалиётда қандай ишлаётганини эмпирик далиллар асосида кўрсатиш имконини беради.

Хусусан, Янги Ўзбекистон шароитида вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш сиёсати ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналиши сифатида шаклланиб, унинг ҳуқуқий асослари бир нечта “ядро” норматив актлар ҳамда уларни ривожлантирувчи кўп сонли қонуности ҳужжатлар орқали таъминланмоқда. Мазкур тизимнинг конституцион-ҳуқуқий руҳи, аввало, умумий, махсус, якка ва виктимологик профилактиканинг бир бутун институционал механизм сифатида мустаҳкамланганлигида намоён бўлади. Бу борада “*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*”ги Қонун профилактика фаолиятининг тамойиллари, субъектлари, чора-тадбирлари ва ҳамкорлик механизмларини белгилаб, умумий ва якка профилактиканинг норматив конструкциясини ташкил этади¹⁰. Шу билан бирга, “*Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида*”ги Қонун вояга етмаганлар билан ишлашнинг махсус ҳуқуқий режими, тарбияга оид таъсир воситалари, профилактик ҳисоб, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам ҳамда реабилитация йўналишларини комплекс тартибга солиши билан ушбу соҳадаги базавий манба мақомини сақлаб қолмоқда¹¹.

Сўнгги йилларда, айниқса 2024–2025 йилларда қабул қилинган қатор ҳужжатлар профилактика тизимини “*маҳалла кесимида барвақт олдини олиш*” концепциясига яқинлаштириб, амалиётни натижа индикаторлари, рақамлаштириш ва муҳитни хавфсизлаштириш (CPTED) механизмлари билан бойитди. Хусусан, 2025 йилда маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш ва барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини оширишга қаратилган Президент қарори профилактик фаолиятни мақсадли режалаштириш ва бошқаришнинг янги босқичини белгилади¹².

Бунга қўшимча равишда “*Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*”ги ПҚ-253 қарори маҳалла тизимида профилактик фаолиятни институционал қайта ташкил этиш, “*маҳалла еттилиги*”нинг ўзаро мувофиқлашган ишлаш механизми, ижтимоий профилактика объектларини аниқлашнинг алоҳида методикаси, электрон

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*”, №ЎРҚ-371, 14.05.2014 //

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “*Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида*”, №ЎРҚ-263, 29.09.2010 //

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори “*2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида*”, №ПҚ-1, 03.01.2025 //

планшет орқали биометрик идентификация ҳамда “намунали хавфсиз кўча/уй” лойиҳаларида CPTED воситаларини жорий этиш каби инструментларни нормалаштирди¹³.

Шунингдек, 2025 йилда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартиришлар вояга етмаганлар профилактикасида органлар ролини қайта белгилаб, Миллий гвардия тизимида болалар билан ишлаш бўлинмалари, инспектор-психолог институтлари ва профилактик таъсирнинг янги ташкилий формаларини кучайтириш учун ҳуқуқий шарт-шароит яратди¹⁴. Умумий профилактиканинг ҳуқуқий-маърифий асослари эса давлат таълим муассасаларида юридик таълимнинг узлуксиз тизимини жорий этиш, вояга етмаган ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарорида янада аниқлаштирилди¹⁵.

Амалдаги миллий қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг умумий ва якка профилактикаси соҳасида муайян институционал ҳамда меъёрий база шакллланган бўлса-да, мазкур тизимнинг самарадорлигини чеклаётган *концептуал-атамавий ҳуқуқий бўйлиқ* сақланиб қолмоқда. Хусусан, “*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*”ги Қонунда профилактика фаолиятининг умумий принциплари, субъектлари ва чора-тадбирлари белгилаб берилган бўлиб, у умумий ва якка профилактиканинг норматив асосини ташкил этади¹⁶. Ушбу қонуннинг 3–7-моддаларида профилактиканинг мақсади, тамойиллари ва субъектлари қайд этилган, бироқ *вояга етмаганлар профилактикасига хос бўлган асосий тушунчалар* — “*эрта профилактика*”, “*хавф гуруҳи*”, “*индивидуал профилактика режаси*”, “*кейс-менеджмент*” — қонун матнида тизимли ва аниқ таърифланмаган.

Мазкур ҳолат махсус қонун — “*Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида*”ги Қонунда якка тартибдаги профилактика иши институти нисбатан батафсил тартибга солинган бўлса-да, унинг умумий қонун билан *атамавий ва мазмунан тўлиқ уйғунлашмагани* билан янада яққол намоён бўлади¹⁷. Масалан, махсус қонунда “*якка тартибдаги профилактика иши*” тушунчаси амалиётга йўналтирилган ҳолда қўлланилса-да, у умумий қонундаги “*якка профилактика*” атамаси билан бир хил мазмунда норматив дефиниция қилинмаган.

Шунингдек, махсус қонунда “*хавф гуруҳи*”га кирувчи болаларни аниқлаш мезонлари, эрта профилактиканинг ҳуқуқий мазмуни ва индивидуал режалаштиришнинг мажбурийлиги қонун даражасида концептуал тарзда очиб берилмаган.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори “*Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*”, №ПҚ-253, 18.08.2025 //

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “*Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар киритиш ҳақида*”, №ЎРҚ-1024, 06.02.2025

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори “*Давлат таълим муассасаларида юридик таълимнинг узлуксиз тизимини жорий этиш ҳамда вояга етмаган ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*”, №532, 27.08.2024

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*”ги ЎРҚ-371-сон, 14.05.2014 // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – URL: <https://lex.uz>

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “*Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида*”ги ЎРҚ-263-сон, 29.09.2010 // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – URL: <https://lex.uz>

Натижада, ҳуқуқни қўллаш амалиётида қуйидаги салбий ҳолатлар кузатилади:

— якка профилактика кўп ҳолатларда *фақат профилактик ҳисобга қўйиш ва суҳбат ўтказиш* билан чекланади;

— хавф омилларини (оилавий муҳит, таълимдаги узилишлар, психологик ҳолат, ижтимоий муҳит) *комплекс баҳолаш* ва уларни бартараф этишга қаратилган индивидуал чоралар тизимли қўлланилмайди;

— реабилитация ва қайта ижтимоийлашув натижаларини *ўлчаш ва баҳолаш мезонлари* мавжуд эмас;

— профилактика чораларининг *манзиллилиги ва таъсирчанлиги пасаяди*, турли ҳудудларда бир хил ҳолатларга нисбатан турлича ёндашув шаклланади.

Бу эса профилактика фаолиятини *формал-маъмурий характерга* эга бўлиб қолишига, унинг ижтимоий самарадорлигини пасайтиришга олиб келади. Илмий нуқтаи назардан, мазкур ҳолат профилактик сиёсатнинг “чора-тадбирлар йиғиндиси” сифатида эмас, балки *яхлит ижтимоий-ҳуқуқий институт* сифатида шаклланмаганини кўрсатади.

Юқорида баён этилган илмий-назарий таҳлиллар ва амалиётни комплекс баҳолаш натижаларидан келиб чиққан ҳолда, “*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига “*Асосий тушунчалар*” деб номланган 3-моддасига *қуйидаги тушунчаларни* киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Жумладан:

1. **эрта профилактика** — *ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи мавжуд бўлган вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликка олиб келувчи ижтимоий, психологик ва оилавий омиллар таъсирига тушиб қолишидан олдин аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси*;

2. **хавф гуруҳи** — *ижтимоий муҳит, оилавий ҳолат, таълимдаги муаммолар, психологик омиллар ёки олдинги гайриижтимоий хулқ-атвор белгиларининг мавжудлиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли юқори бўлган вояга етмаганлар тоифаси*;

3. **индивидуал профилактика режаси** — *вояга етмаганга нисбатан якка тартибдаги профилактика доирасида ишлаб чиқиладиган, масъул субъектлар, чора-тадбирлар, муддатлар ва кутилган натижаларни қамраб олувчи ҳужжат*;

4. **кейс-менежмент** — *вояга етмаган билан боғлиқ профилактика ишларини идоралараро ҳамкорлик асосида режаслаштириш, мувофиқлаштириш, мониторинг қилиш ва баҳолашни назарда тутувчи комплекс бошқарув усули*.

Иккинчидан, Миллий қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг умумий ва якка профилактикасини амалга оширишда идоралараро ҳамкорлик *принцип сифатида* эътироф этилган бўлса-да, унинг *амалий процессуал алгоритмлари* қонун даражасида аниқ белгиланмаган.

Хусусан, “*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*”ги Қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида давлат органлари, маҳалла ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги назарда тутилган¹⁸. Ушбу Қонуннинг 7-моддаси профилактика субъектлари тизимини белгилаб, 9–10-моддаларда идоралараро комиссиялар фаолияти ҳақида умумий қоидаларни қайд этилади.

¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*”ги ЎРҚ–371-сон, 14.05.2014 // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – URL: <https://lex.uz>

Бироқ ушбу нормалар *ташкилий-декларатив тусга эга бўлиб*, вояга етмаганлар билан ишлашда қўлланилиши лозим бўлган *кейс-менежмент, етакчи субъект (координатор), ахборот алмашинуви муддатлари, масъулият тақсимооти* каби муҳим процессуал масалаларни қамраб олмайди.

Шунингдек, “*Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида*”ги махсус Қонунда ҳам якка тартибдаги профилактика иши назарда тутилган бўлса-да, у асосан ички ишлар органлари ваколатлари доирасида баён этилган бўлиб, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, маҳалла, болалар масалалари бўйича комиссиялар ўртасидаги *кейс даражасидаги ҳамкорлик механизми* қонун даражасида очиб берилмаган¹⁹. Натижада, қонунларда “*ҳамкорлик қилиш*”, “*ахборот алмашиш*” каби умумий ифодаalar мавжуд бўлса-да, уларнинг қандай тартибда, қайси муддатларда, кимнинг раҳбарлигида амалга оширилиши очиқ қолган.

Бу ҳуқуқий бўшлиқ амалиётда қуйидаги салбий ҳолатларга олиб келмоқда:

- бир бола ёки бир оила билан *бир вақтнинг ўзида бир нечта идоралар* (ИИО, таълим, ижтимоий хизмат, маҳалла) параллел иш олиб боради;
- профилактик ҳисоблар, тавсиялар ва режалар ўзаро мувофиқлаштирилмайди, маълумотлар такрорланади;
- қайси орган *етакчи субъект* экани ва якуний қарор учун ким жавобгарлиги ноаниқ бўлади;
- профилактика натижадорлиги учун *шахсий ва институционал масъулият тарқоқлашади*.

Айниқса, маҳалла кесимида барвақт олдини олиш сиёсати кучайиб бораётган шароитда (Президент қарорлари билан белгиланган вазифалар доирасида) мазкур процессуал бўшлиқ профилактика фаолиятини манзилли ва тизимли ташкил этишга жиддий тўсқинлик қилади²⁰.

Юқорида баён этилган илмий-назарий таҳлиллар ва амалиётни комплекс баҳолаш натижаларидан келиб чиққан ҳолда, “*Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида*”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига **қўшимча янги 14¹-моддани** киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланади.

“14¹-модда. Вояга етмаганлар билан ишлашда идоралараро кейс-менежмент ва ҳамкорликнинг процессуал тартиби

1. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда якка тартибдаги профилактика ишлари **идоралараро кейс-менежмент** асосида амалга оширилади.

2. Идоралараро кейс-менежмент:

хавф гуруҳига кирувчи вояга етмаганни аниқлаш;

барча манфаатдор субъектлар иштирокида кейсни баҳолаш;

индивидуал профилактика режасини ишлаб чиқиш;

¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ–263-сон, 29.09.2010 // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – URL: <https://lex.uz>

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори “Маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–253-сон, 18.08.2025 // lex.uz

режанинг ижросини мониторинг қилиш ва натижаларни баҳолаш босқичларини ўз ичига олади.

3. Якка профилактика ишида **ички ишлар органлари етакчи субъект (кейс-координатор)** ҳисобланади ва:

идоралараро ҳамкорликни мувофиқлаштиради;

ахборот алмашинувини ташкил этади;

индивидуал профилактика режасининг ижроси учун жавобгар бўлади.

4. Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, маҳалла, болалар масалалари бўйича комиссиялар ва бошқа субъектлар:

белгиланган муддатларда зарур ахборотни тақдим этиши;

индивидуал профилактика режаси доирасида ўз ваколатлари бўйича чоралар кўриши;

амалга оширилган ишлар юзасидан кейс-координаторга ҳисобот бериши шарт.

5. Идоралараро ахборот алмашинуви:

боланинг ҳуқуқлари ва шахсий маълумотлари муҳофазаси таъминланган ҳолда;

белгиланган муддатларда;

фақат профилактика мақсадлари учунамалга оширилади.

6. Идоралараро кейс-менежментни амалга ошириш тартиби, ахборот алмашинуви шакллари, муддатлари ва ҳисобот механизмлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади”.

Учинчидан, якка профилактика жараёнида боланинг процессуал кафолатларини таъминлаш масаласида намоён бўлади. “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунда якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш асослари ва муддатлари кўрсатилган бўлса-да, болани эшитиш тартиби, индивидуал профилактика режаси билан танишиш ҳуқуқи, маълумотларни сақлаш ва йўқ қилиш қоидалари, психолог ёки педагог иштирокининг минимал стандартлари аниқ процессуал пакет сифатида мустаҳкамланмаган²¹. Бу эса бола ҳуқуқларининг ҳимоя даражаси ҳудудлар кесимида турлича бўлишига ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида баҳсли ҳолатлар юзага келишига сабаб бўлади.

Тўртинчидан, Миллий қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг умумий ва якка профилактикаси соҳасида **жамоатчилик назорати** ва **ҳисобдорлик** институтлари принципиал жиҳатдан эътироф этилган бўлса-да, уларнинг амалий механизмлари, баҳолаш мезонлари ҳамда натижаларни очиқ эълон қилиш тартиби қонун даражасида тўлиқ ва аниқ шакллантирилмаган.

Аввало, “**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида**”ги Қонунда профилактика фаолиятининг асосий принциплари қаторида **очиқлик, жамоатчилик билан ҳамкорлик ва фуқаролар иштирокини таъминлаш** тамойиллари белгиланган²². Хусусан, Қонуннинг 4-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси давлат органлари, маҳалла ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги асосида амалга оширилиши қайд этилган.

²¹ Ўша манбаа: Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – URL: <https://lex.uz>

²² Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон, 14.05.2014 // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – URL: <https://lex.uz>

Шунингдек, мазкур Қонуннинг 7-моддаси профилактика субъектлари таркибига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларини киритади²³.

Бироқ мазкур нормалар *декларатив характерда* бўлиб, жамоатчилик назоратининг аниқ шакллари, профилактика фаолияти самарадорлигини баҳолаш индикаторлари, очиқ ҳисобот мазмуни ва уни аҳолига тақдим этиш тартиби қонун даражасида белгилаб қўйилмаган. Қонун матнида профилактика субъектлари *“иш олиб боради”, “ҳамкорлик қилади”* деган умумий ифода билан чекланиб, *қай тарзда ҳисобот беради, қайси кўрсаткичлар асосида баҳоланади* деган масалалар очиқ қолган.

Мазкур ҳуқуқий ноаниқлик *“Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”*ги махсус Қонунда ҳам кузатилади. Ушбу Қонунда маҳалла, таълим муассасалари, комиссиялар ва жамоат ташкилотларининг вояга етмаганлар билан ишлашдаги иштироки назарда тутилган бўлса-да, профилактика тадбирларининг *натижадорлигини баҳолаш*, жамоатчиликка ҳисобот бериш, профилактик ишнинг ижтимоий таъсирини очиқ кўрсатишга доир нормалар мавжуд эмас²⁴. Натижада, профилактика фаолиятининг мазмуни кўп ҳолатларда *“тадбир ўтказилди/рейд ўтказилди”* каби формал ҳисобот билан чекланиб қолади.

Ушбу бўшлиқни тўлдириш йўлида давлат бошқаруви тизимида очиқлик ва ҳисобдорликни кучайтиришга қаратилган муҳим институционал қадам сифатида 2022 йил 14 июнда қабул қилинган Президентнинг ПФ–154-сон Фармонини кўрсатиш мумкин.

Мазкур Фармон билан давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини баҳолаш тизими жорий этилди, очиқ маълумотлар, жамоатчилик билан мулоқот ва ҳисобдорлик стандартлари белгилаб берилди²⁵. Бироқ ушбу Фармон *умумий бошқарув соҳасига қаратилган* бўлиб, унда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари профилактикаси бўйича махсус индикаторлар, баҳолаш мезонлари ёки ҳисобот формалари мустақил тарзда назарда тутилмаган.

Натижада, ҳуқуқни қўллаш амалиётида қуйидаги салбий ҳолатлар юзага келмоқда:

- *профилактика фаолияти натижадорлигини баҳолаш бир хил мезонлар асосида амалга оширилмайди;*

- *маҳалла, таълим муассасалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти бўйича очиқ ва таққосланувчи ҳисоботлар мавжуд эмас;*

- *жамоатчилик ва ОАВ учун профилактика ишларининг ҳақиқий таъсири (қайта ҳуқуқбузарликнинг камайиши, мактаб давомати яшиланиши, хавф гуруҳининг қисқариши) ҳақида далилларга асосланган ахборот етарли эмас;*

- *жамоатчилик назорати кўпинча формал тус олиб, қарор қабул қилиш жараёнига таъсири чекланган бўлади.*

²³ Ўша манбаа: Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – URL: <https://lex.uz>

²⁴ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сон, 29.09.2010 // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – URL: <https://lex.uz>

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизimini жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-154-сон, 14.06.2022 // lex.uz

Бу ҳолат профилактика сиёсатида “*фаолият бор, натижа аниқ эмас*” деган институционал муаммони келтириб чиқаради. Айниқса, вояга етмаганлар профилактикаси каби ижтимоий жихатдан ҳассос соҳада натижадорликни ўлчаш ва уни жамоатчиликка очик тақдим этиш механизмининг йўқлиги давлат органлари фаолиятига нисбатан ишончни пасайтиради ҳамда профилактиканинг далилларга асосланган (evidence-based) моделига ўтишни чеклайди.

Шу нуқтаи назардан, мазкур ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этиш учун “*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*”ги Қонунда жамоатчилик назорати ва ҳисобдорликка оид нормаларни *аниқлаштириш ва процессуаллаштириш* зарур. Хусусан, профилактика субъектлари учун:

- *ягона баҳолаш индикаторлари* (қайта ҳуқуқбузарлик даражаси, хавф гуруҳининг динамикаси, таълим давомати, ижтимоий мослашув кўрсаткичлари);
- *очик йиллик ҳисобот* тақдим этиш мажбурияти;
- маҳалла кесимида профилактика натижаларини жамоатчилик муҳокамасига қўйиш тартиби қонун даражасида мустаҳкамланиши лозим.

Бундай ёндашув, бир томондан, Президентнинг ПФ–154-сон Фармони билан белгиланган очиклик ва ҳисобдорлик сиёсатида *мазмунан уйғун* келса, иккинчи томондан, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларини профилактика қилиш соҳасида қарор қабул қилишни *далилларга асосланган* тарзда йўлга қўйиш имконини беради. Шу тариқа, жамоатчилик назорати институти формал декларациядан амалий ва самарали механизмга айланади.

Юқорида баён этилган илмий-назарий таҳлиллар ва амалиётни комплекс баҳолаш натижаларидан келиб чиққан ҳолда, “*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига **20¹, 20², 20³ ва 20⁴-моддаларни қўшимча янги моддалар** сифатида киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланади.

“20¹-модда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини баҳолаш индикаторлари

1. *Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлиги ягона индикаторлар тизими асосида баҳоланади.*

2. *Индикаторлар тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:*
ҳуқуқбузарликлар ва такрорий ҳуқуқбузарликлар динамикаси;
хавф гуруҳидаги шахслар (шу жумладан вояга етмаганлар) билан яқка тартибдаги иш натижалари;
профилактика тадбирларининг қамрови ва ижтимоий таъсир кўрсаткичлари;
профилактика субъектлари ўртасида ахборот алмашинуви ва ҳамкорлик самарадорлиги;
жамоатчилик мурожаатлари ва улар қўриб чиқилишининг натижавийлиги.

3. *Индикаторлар тизими, ҳисоблаш услубиёти, маълумот манбалари ва даврийлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади”.*

“20²-модда. Профилактика соҳасида очик ҳисобот ва ҳисобдорлик

1. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари **ҳар йили** профилактика натижалари бўйича **очик ҳисобот** эълон қилади.

2. Очик ҳисоботда камида қуйидагилар акс эттирилади:

20¹-моддада назарда тутилган индикаторлар бўйича натижалар;

профилактика тадбирларининг асосий йўналишлари ва қамрови;

қайта ҳуқуқбузарлик хавфини камайтиришга қаратилган чоралар;

жамоатчилик назорати натижаларига кўра кўрилган чора-тадбирлар;

кейинги давр учун “муаммо—чора—натижа индикатори” форматидаги режа.

3. Очик ҳисоботлар тегишли органларнинг расмий веб-сайтларида ва бошқа очик ахборот каналларида эълон қилиниши шарт”.

“20³-модда. Профилактика бўйича жамоатчилик муҳокамаси, эшитув ва мониторинги

1. Профилактика соҳасида жамоатчилик назорати «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонунда белгиланган шакллар (жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитув, жамоатчилик мониторинги, сўровлар ва бошқалар) асосида амалга оширилади.

2. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар:

йиллик очик ҳисобот юзасидан **жамоатчилик эшитувини** ташиқил этиши;

жамоатчилик мониторинги натижалари бўйича **ёзма муносабат** билдириши;

жамоатчилик назорати натижаларини инobatга олган ҳолда профилактика чораларини қайта кўриб чиқиши шарт.

3. Жамоатчилик эшитув ва муҳокамасини ўтказиши тартиби, иштирокчилар доираси ва натижаларни расмийлаштириши талаблари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади”.

“20⁴-модда. Очик маълумотлар ва далилларга асосланган профилактика

1. Профилактика соҳасида қарор қабул қилиши **далилларга асосланган** (evidence-based) ёндашув асосида амалга оширилади.

2. Ваколатли органлар профилактика натижаларини баҳолаш учун зарур бўлган статистик ва таҳлилий маълумотларни, шахсий маълумотлар ва бола ҳуқуқлари кафолатлари сақланган ҳолда, **очик маълумотлар** сифатида тақдим этиб боради.

3. Профилактика соҳасидаги очик маълумотлар тўпламининг минимал рўйхати ва янгиланиши даврийлиги Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади; мазкур талаблар давлат органлари фаолиятининг очиклик даражасини ошириши ва баҳолаш сиёсатида уйғун равишда қўлланилади”.

Бешиндан, Миллий қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг умумий ва яқка профилактикасида ички ишлар органлари ҳамда Миллий гвардия иштирокини назарда тутувчи нормалар мавжуд бўлса-да, уларнинг ўзаро муносабатлари, етакчи субъект масаласи ва қўшма профилактик фаолиятни амалга оширишнинг ягона ҳуқуқий регламенти қонун даражасида етарлича аниқ белгиланмаган.

Аввало, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунда вояга етмаганлар билан ишлашда асосий ваколатли орган сифатида ички ишлар органлари белгиланган. Хусусан, мазкур Қонуннинг 6-моддасида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи асосий субъектлар қаторида ички ишлар органлари, уларнинг вояга етмаганлар масалалари бўйича бўлинмалари ҳамда профилактика инспекторлари алоҳида кўрсатилган. Шунингдек, Қонуннинг 12–15-моддаларида якка тартибдаги профилактика ишини юритиш, профилактик ҳисобга қўйиш, назорат ва тарбиявий таъсир чораларини қўллаш ваколатлари айнан ички ишлар органлари зиммасига юклатилган²⁶.

Бироқ ушбу махсус қонунда Миллий гвардия органларининг вояга етмаганлар профилактикасидаги иштироки, уларнинг ваколат доираси, ички ишлар органлари билан ўзаро муносабати ва функциялар тақсимоли умуман ёритилмаган. Бу эса мазкур қонун қабул қилинган даврда Миллий гвардиянинг жамоат хавфсизлиги соҳасидаги функциялари ҳозирги даражада кенг бўлмагани билан изоҳланади.

Шу билан бирга, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунда профилактика субъектлари рўйхати очиқ шаклда белгиланиб, жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этувчи давлат органлари қаторида Миллий гвардия ҳам умумий тарзда қамраб олинади²⁷. Мазкур Қонуннинг 7-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи субъектлар сифатида “қонунчиликка мувофиқ жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш ваколатига эга бўлган давлат органлари” кўрсатилган бўлиб, бу норманинг мазмуни Миллий гвардия фаолиятини ҳам қамраб олади²⁸. Бироқ қонунда қайси тоифадаги профилактика ишларида қайси орган етакчи, қайси ҳолларда Миллий гвардия мустақил, қайси ҳолларда ички ишлар органларига ёрдамчи субъект сифатида иштирок этиши аниқ белгилаб қўйилмаган.

Ушбу ҳуқуқий ноаниқлик сўнгги йилларда янада кучайди. Хусусан, 2025 йил 6 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартиришларда жамоат тартибини сақлаш ва профилактика тадбирларида Миллий гвардия органларининг иштироки ва ваколатлари кенгайтирилди²⁹. Амалда эса ушбу ўзгартиришлар Миллий гвардияни вояга етмаганлар иштирокидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, оммавий жойларда профилактик назоратни кучайтириш жараёнларига бевосита жалб қилди. Бироқ мазкур қонун нормалари махсус ювенал қонунлар билан тизимли мувофиқлаштирилмаган.

Натижада, ҳуқуқни қўллаш амалиётида қуйидаги муаммоли ҳолатлар юзага келмоқда:

²⁶ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сон, 29.09.2010 // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – URL: <https://lex.uz>

²⁷ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон, 14.05.2014 // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – URL: <https://lex.uz>

²⁸ Ўша манбаа: Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – URL: <https://lex.uz>

²⁹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-1024-сон, 06.02.2025 // lex.uz

- вояга етмаганлар билан боғлиқ профилактик тадбирларда ички ишлар органлари ва Миллий гвардия томонидан бир хил вазифаларнинг такрор бажарилиши;
- бир бола ёки бир маҳалла кесимида профилактик ҳисоб, назорат ва тарбиявий таъсир чораларини қўллашда етакчи субъект ким экани ноаниқлиги;
- қўшма рейдлар ва профилактик тадбирлар ўтказишда ягона регламент ва ҳисобот механизмининг мавжуд эмаслиги;
- инсон, вақт ва молиявий ресурслардан самарасиз фойдаланиш хавфининг ортиши.

Бу ҳолат, айниқса, Президент қарорлари билан маҳалла кесимида барвақт олдини олиш сиёсати кучайтирилаётган шароитда яққол намоён бўлади. Жумладан, маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш ва профилактик тадбирларни кучайтиришга қаратилган қарорларда Миллий гвардия ва ички ишлар органлари биргаликда иштирок этиши назарда тутилган бўлса-да, ушбу ҳамкорликнинг қонун даражасидаги функционал тақсимооти мавжуд эмас³⁰.

Шу боис, мазкур ҳукукий бўшлиқни бартараф этиш учун “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунда Миллий гвардия органларининг вояга етмаганлар профилактикасидаги ваколатларини алоҳида модда сифатида белгилаш, унда:

- ички ишлар органлари етакчи субъект экани;
- Миллий гвардиянинг жамоат жойларида профилактика, қўшма тадбирлар, хавфли ҳудудларда назорат функцияларини амалга ошириши;
- қўшма профилактик тадбирларни ташкил этишининг ягона регламенти ва ҳисобот тартиби;
- болалар билан ишлашда психолог ва педагог иштирокининг мажбурийлиги каби нормаларни аниқ мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бундай ҳукукий аниқлик, бир томондан, давлат органлари ўртасидаги ваколатлар коллизиясини бартараф этса, иккинчи томондан, вояга етмаганлар профилактикасида манзиллилиқ, мувофиқлашув ва натижавийликни оширишга хизмат қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунга **янги 11¹-моддани** қуйидаги мазмунда киритиш тавсия этилади.

“17¹-модда. “Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг профилактикасида ички ишлар органлари ва Миллий гвардия органларининг ваколатлари ҳамда ўзаро ҳамкорлиги”

1. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг умумий ва яқка профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишда **ички ишлар органлари етакчи давлат органи** ҳисобланади.

2. Ички ишлар органлари:

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори “Маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-253-сон, 18.08.2025 // lex.uz

вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишни мувофиқлаштиради;

якка тартибдаги профилактика ишини юритади, профилактик ҳисобни ташиқ этади ва назорат қилади;

индивидуал профилактика режасини ишлаб чиқади ва унинг ижросини таъминлайди;

вояга етмаганлар билан ишлашда таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, маҳалла ҳамда бошқа субъектлар фаолиятини мувофиқлаштиради.

3. Миллий гвардия органлари вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг профилактикасида:

жамоат жойларида, таълим муассасалари атрофида ва хавфли ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш орқали умумий профилактика чораларини амалга оширади;

ички ишлар органлари билан **қўшма профилактик тадбирлар**, рейдлар ва мақсадли тегиширувларда иштирок этади;

хавфли муҳит ва ҳуқуқбузарлик содир этишига мойил ҳудудлар тўғрисида ички ишлар органларига ахборот тақдим этади;

болалар билан ишлашда психологик ва педагогик ёндашув қоидаларига риоя этади.

4. Миллий гвардия органлари **якка тартибдаги профилактика ишини мустақил равишда юритиш**, профилактик ҳисобга қўйиш ёки вояга етмаганга нисбатан тарбиявий-ҳуқуқий таъсир чораларини белгилаш ҳуқуқига эга эмас, бундан ички ишлар органлари билан қўшма қарор қабул қилинган ҳоллар мустасно.

5. Ички ишлар органлари ва Миллий гвардия органлари ўртасидаги ҳамкорлик:

ягона қўшма профилактик тадбирлар регламенти;

ахборот алмашинуви тартиби ва муддатлари;

ҳисобот ва мониторинг шакллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган низом асосида амалга оширилади.

6. Вояга етмаганлар билан боғлиқ профилактик тадбирларни амалга оширишда боланинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва кадр-қиммати устувор ҳисобланади.

Боланинг шахсий маълумотларини қайта ишлаш ва сақлаш қонунчилик талабларига мувофиқ амалга оширилади”.

Олтинчидан, амалдаги қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда маҳалла институти муҳим профилактик субъект сифатида эътироф этилган бўлса-да, маҳалла кесимида барвақт олдини олиш ва хавфсиз муҳит яратиш механизмлари қонун даражасида ягона, универсал ҳуқуқий стандарт сифатида мустаҳкамланмаган.

Хусусан, “*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*”ги Қонунда маҳаллалар профилактика субъектлари тизимига киритилган, уларнинг аҳоли билан яқин ҳамкорликда профилактика ишларини олиб бориши қайд этилган³¹. Бироқ мазкур Қонунда:

– маҳалла кесимида барвақт профилактика нима экани;

³¹ “Маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–253-сон, 18.08.2025 // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – URL: <https://lex.uz>

- хавфсиз муҳит яратишнинг ҳуқуқий мазмуни;
- профилактика тадбирларининг ҳудудий режаси яратилиши;
- хавф омилларини хариталаш (*risk mapping*);
- натижаларни баҳолаш ва ҳисобдорлик каби масалалар концептуал ва процессуал тарзда очиқ берилмаган.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда қабул қилинган Президент қарорлари маҳалла кесимида барвақт олдини олиш сиёсатини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди.

Хусусан, маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, хавфсиз муҳитни шакллантириш, “намунали хавфсиз кўча/уй”, видеокузатув, ёритиш, инфратузилмани яхшилаш, аҳолини жалб этган ҳолда профилактика олиб бориш каби чора-тадбирлар белгиланди⁵. Бироқ мазкур қарорлар қонуности ҳақиқатга эга бўлиб, уларда назарда тутилган механизмлар “*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*”ги Қонунда умуммажбурий ҳуқуқий стандарт сифатида мустаҳкамланмаган.

Натижада, ҳуқуқни қўллаш амалиётида қуйидаги муаммолар юзага келмоқда:

- маҳалла кесимида профилактика ишлари ҳудудлар бўйича турлича таъкил этилмоқда;
- хавфсиз муҳит яратиш чоралари айрим ҳудудларда тизимли, айрим жойларда эса фақат формал тусда амалга оширилмоқда;
- профилактика фаолияти ташаббускор шахслар (маҳалла раиси, профилактика инспектори) фаоллигига ортиқча боғланиб қолмоқда;
- барвақт олдини олишнинг аниқ мезонлари йўқлиги сабабли профилактика реактив (ҳодиса содир бўлгандан кейин) ҳақиқатда қолиб кетмоқда.

Илмий нуқтаи назардан, мазкур ҳолат профилактика тизимининг ҳудудий барқарорлиги ва прогнозланувчанлигини пасайтиради. Чунки маҳалла даражасида барвақт олдини олиш ва хавфсиз муҳит яратиш қонун даражасида мустаҳкамланмаган тақдирда, профилактика сиёсати узлуксиз ва барқарор тизим эмас, балки айрим қарорлар билан чекланган таъкилий тадбирлар мажмуаси сифатида қолиб кетади.

Юқорида баён этилган илмий-назарий таҳлиллар ва амалиётни комплекс баҳолаш натижаларидан келиб чиққан ҳолда, “*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига “**Маҳалла кесимида барвақт олдини олиш ва хавфсиз муҳит яратиш**” деб номланган қўшимча янги 15¹-моддани киритиш мақсадга мувофиқдир.

“15¹-модда. Маҳалла кесимида барвақт олдини олиш ва хавфсиз муҳит яратиш

1. Маҳалла кесимида барвақт олдини олиш ва хавфсиз муҳит яратиш ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

2. Барвақт олдини олиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- маҳалла ҳудудидида ижтимоий ва криминоген хавф омилларини аниқлаш;
- хавф гуруҳига кирувчи вояга етмаганлар ва оилаларни эрта босқичда белгилаш;
- профилактик чора-тадбирларни ҳудудий режаси яратиш;
- ҳуқуқбузарликка олиб келувчи шароит ва сабабларни бартараф этиш.

3. Хавфсиз муҳит яратиш қуйидаги чораларни қамраб олади:

- жамоат жойларини хавфсиз инфратузилма билан таъминлаш;

*ёритиш, видеокузатув ва бошқа техник воситаларни жорий этиш;
аҳолининг профилактика тадбирларида иштирокини кенгайтириш;
болалар ва ёшлар учун хавфсиз ижтимоий маконни шакллантириш.*

4. Маҳалла кесимида барвақт олдини олиш ва хавфсиз муҳит яратиш ишлари **ички ишлар органлари, маҳалла фуқаролар йиғини, Миллий гвардия, таълим ва ижтимоий ҳимоя органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигида амалга оширилади.**

5. Маҳалла даражасида барвақт олдини олиш ва хавфсиз муҳит яратиш тадбирларини режалаштириш, амалга ошириш ва баҳолаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади”.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, юқорида баён этилган ҳуқуқий бўшлиқлар таҳлили шунини кўрсатадики, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларини умумий ва яқка профилактика қилиш соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш, аввало, атамавий уйғунликни таъминлаш, идоралараро ҳамкорликни процессуаллаштириш, яқка профилактикада боланинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш, жамоатчилик назорати ва далилларга асосланган баҳолаш механизмларини қонун даражасида белгилаш, шунингдек маҳалла кесимида барвақт олдини олиш стандартларини жорий этишни талаб қилади. Мазкур чоралар миллий қонунчиликни халқаро стандартлар, хусусан БМТнинг Эр-Риёд йўриқномалари ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция талаблари билан уйғунлаштиришга ҳам хизмат қилади³².

³² United Nations Guidelines for the Prevention of Juvenile Delinquency (The Riyadh Guidelines). GA Res. 45/112, 14 December 1990 // Convention on the Rights of the Child, 20 November 1989.